

## Ҳаракатимизни бошқарувчи орган



18:02 / 15.10.2018 5008

**"Йўқ! Қасамки, агар у бу йўлидан қайтмаса, албатта, Биз уни пешонасидан тутамиз. Ўша ёлғончи, адашган (гуноҳкор) пешонани тутиб жаҳаннамга отурмиз!"** (Алақ сураси, 15-16).

Юқоридаги оятда келган "ёлғончи, адашган (гуноҳкор) бўлган пешона" дейилган ифода диққатни ўзига жалб қилади. Айнан пешонадан тутилишининг сабаби жуда қизиқдир.

Сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларда бош мианинг олд пешона худудида мианинг баъзи фаолиятларини бошқарувчи қисм мавжудлиги аниқланган. 1400 йил аввал Қуръонда айтилган бу қисм ва унинг вазифасига замонамиз олимлари яқинда, 60 йил олдин ойдинлик киритди, холос. Бош мианинг ичига, бошнинг олд қисмига қаралганда мианинг олд пешона қисмини кўриш мумкин. Бу қисмнинг вазифалари ҳақида

«Анатомия ва физиологиянинг асослари» номли китобда шундай маълумотлар берилди: "Ҳаракатларнинг мотивацияси (бир фикрга келишини таъминловчи ҳаракат), режа тузиш ва унинг буйруқ бериши пешонанинг очиқ қисми бўлган ҳудудда ҳосил бўлади. Бу қисм чағиришим (тушунчалар орасидаги макон, замон, сабаб, натижа боғлари ва бирлик, ўхшашлик ёки зидлик каби боғлар сабабли бир-бирини эслатиши, уйғотиш ҳодисаси) ҳудудидир..."

Китобда яна қуйидаги фикрлар ҳам жой олган: "Олд пешона қисмининг айна вақтда тажовузкорликнинг ҳам функционал маркази эканлиги ҳақида айтилмоқда..."

Бу фикрлардан англашилганидек, мианинг олд пешона қисми режалаштириш, мотивация ва яхши ёки ёмон ҳаракатларнинг бошланиши, ёлғон ёки тўғри сўз айтилиши билан боғлиқ фаолиятларнинг асосидир. «Алақ» сурасидаги "ёлғончи, гуноҳкор бўлган пешона" ифодаси билан юқоридаги таърифларда уйғунлик бор. Олимлар сўнгги олтмиш йил ичида топган бу илмий ҳақиқатлар ҳақида Аллоҳ таоло Қуръон оятларида бир неча асрлар аввал хабар қилган эди...

***Islom.uz портали таҳририяти***